

**Бюджетни шакллантириш ва ижро этиш бўлими ва
Тиббий хизматлар тарифларни белгилаш бўлими томонидан
2025 йил 01-05-декабрь кунлари бажарилган ишлар юзасидан
Маълумот**

1. Бюджетни шакллантириш ва ижро этиш бўлими томонидан ЭДО электрон тизимидан келишиш учун келган 11 та хатлар атрофлича ўрганилди ва келишилди.

2. Республикада эрта ва кечки реабилитация хизматларини йўлга қўйиш, унинг сифати, самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш, ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш, шунингдек, аҳолига реабилитация хизматларини кўрсатиш қамровини ошириш мақсадида барча ҳисоб китоблар тайёрланиб раҳбариятга тақдим этилди.

3. Бюджетни шакллантириш ва ижро этиш бўлими томонидан Жамғарманинг ҳудудий бўлинмаларига Глобал бюджет ва аҳоли жон бошига олдиндан тўловлар амалга оширилди.

4. Давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилинадиган ҳудудларда аҳолига зарур тиббий хизматлардан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш мақсадида келгуси йилдан бошлаб, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни Жамғарманинг ягона шахсий ғазна ҳисобварағида жамланишини ҳамда ҳудудлар ва тиббиёт муассасалари ўртасида қайта тақсимланиш мақсадида хат лойиҳаси тайёрланди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.05.2025 йилдаги “Республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-88-сонли Фармонида белгиланган Тажриба-синов лойиҳаси асосида фаолият кўрсатадиган барча туман (шаҳар)лар тиббиёт муассасалари аутсорсинг асосида стоматология хизматларини ташкил этиш мақсадида пул маблағларини марказий шифохоналарга ўтказиб берилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.05.2025 йилдаги “Республикада Соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-88-сонли Фармонида белгиланган Тажриба-синов лойиҳаси асосида фаолият кўрсатадиган барча туман (шаҳар)лар тиббиёт муассасаларининг олдиндан тўловнинг олдиндан тўловлар учун буйруқ, сертификатлар тайёрланиб, тегишли маблағлар чиқарилди.

7. Республикада эрта ва кечки реабилитация хизматларини йўлга қўйиш, унинг сифати, самарадорлиги ва манзиллилигини ошириш, ногиронликнинг

олдини олиш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш, шунингдек, аҳолига реабилитация хизматларини кўрсатиш қамровини ошириш мақсадида барча ҳисоб китоблар қилинди ва раҳбариятга тақдим этилди.

8. Жамғарманинг 03.11.2025 йилдаги 744-сонли буйруғи асосида бюджетдан маблағ олувчи тиббиёт муассасалари томонидан тузилиб, тасдиқланадиган штат жадвалини амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига мувофиқлигини ўрганиш буйруғи якунланиб таҳлил қилинмоқда.


9. Соғлиқни сақлаш тизимидаги Давлат тиббий суғурта жамғармаси томонидан молиялаштириладиган муассасаларини “UzASBO-2” электрон дастурида штат жадвали ва харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби юзасидан техник топшириқ тайёрланди.

10. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 2025 йил учун даромадлар ва харажатлар ҳажмига ўзгартириш киритиш орқали тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тўғрисида Кузатув кенгаши қарор лойихаси.

11. Жамғармадан маблағ олувчи тиббиёт муассасаларида коммунал тўловларга ошиқча сарфланишига йул қўймаслик мақсадида тиббиёт муассасаларидаги мавжуд ҳисоблагичлар тўғрисида яъни **электр, газ, сув, иссиқлик** энергияси ҳисоблагичлари тўғрисида маълумотлар рўйхати шакллантирилди, маълумотлар таҳлил қилиниб тегишли ишлар амалга ошириш белгиланди.

12. Бюджетни шакллантириш ва ижро этиш бўлими томонидан Жамғарманинг ҳудудий бўлинмаларига даволанган ҳолат бўйича сертификат тайёрланди тўловлар амалга оширилди.

**Бюджетни шакллантириш
ва ижро этиш бўлими
бошлиғи**



Н.Умаров